

## А З И З

(пъеса)

Азиз - Болалигида ҳасталикка чалиниб болаларга ҳос характерли бўлиб қолган. У

кўнгилчанг, йиғлоқи, меҳрибон. “Ух!” ва “ҳа-ҳим!” дейдиган одати бор. Бурнидан қисқа нафас олиб “ҳа”деб овоз чиқаради. Ортидан яна тез-да қисқа нафас олиб “ҳим” деб овоз чиқаради. Шунда “ҳа-ҳим” деган товуш ҳосил бўлади. Болаларга ўхшаб ирғишлаб енгил ҳаракатланади. Аввалига букчайиб юради. Ўн икки йилдан сўнг соғайиб, таниб бўлмас даражада руҳан ва жисмонан ўзгаради. Олдинги сахналарда йигирма, кейин эса ўттиз беш ёшларда намоён бўлади.

Отавали -- Азизнинг отаси. Тўшакка ётиб қолган етмиш ёшли бемор. Доим энтикиб нафас олади.

Комил -- Азизнинг акаси. Олдинига ўттиз беш ёшларда, кейин сочи оқарган, аҳволи танглашган амалдор. Азизнинг акаси.

Раҳима -- Азизнинг опаси. Олдинига ўттиз ёшларда, бардам аёл, кейин ҳасталанган, сўниқ, бошига рўмол ташлаб юради, охириги сахнада қирқ ёшли бемор, инқиллаб туради.

Райхон -- Азизнинг янгаси. Ўттиз ёшларда, тажанг, чўрт кесар аёл, кейинги сахнада руҳи тушган, қариб ҳароблашган аҳволда.

Раҳмон -- Олтмишбеш ёшларда. Қўпол, лекин дил тўрида меҳрибон, шопмўйлов, гавдали чўпон.

Унсин -- Олтмишбеш ёшларда. Раҳмоннинг хотини. Қишлоқча кийинган.

Жаннат -- аввалига йигирма, кейинги сахнада ўттиз ёшларда. Раҳмон ва Унсиннинг қизи. Кейинчалик Азизнинг хотини. Қувноқ ва содда. Тоғликларга хос характерли.

Гипнозчи -- қирқ ёшли, кўпол ва нозиктаъб, таъсирчан, зар кийимли рухий табиб.

Доктор -- қирқ ёшларда, оқ ҳалатли врач аёл, юмшоқ сўзлайди.

Фолбин -- олтмиш ёшларда, маъжусийлар чироғи, шомонлар дафаги билан бемор даволайдиган ҳайбатли аёл.

Одил -- эллик ёшларда, ориқ-қотма, оҳиста сўзлайди, маҳалла мулласи.

\*\*\*

### 1. Доктор.

*Отавалининг ҳовлиси. Ўртаҳол бинолар. Замонавий уй жихозлари. Радиодан мусиқа янграмоқда. Бемор Отавали сурига тўшалган тўшакда ётади. Азиз унинг оёғини уқалайди. Какку сайраши эшитилади.*

Азиз: (қувониб). Ҳаҳ-ҳим! Какку сайраяпти! Какку!

Отавали: (кўзини очиб). Азиз?

Азиз: Ҳа, дада?

Отавали: Радиони ўчириб қўй, ўғлим, кулоғимга ёқмаяпти.

Азиз: Менга ёқяпти.

Отавали: Ўчириб қўй.

Азиз: Хўп. (Туриб радиони ўчириб келиб, отасининг оёғини уқалашда давом

*этади*) Жуда инжиқ касал бўласизда, дада.

Отавали: Туни билан ухлолмаган одам инжиқ бўлади-да, ўғлим.

Азиз: Кўзингизни қаттиқ юмсангиз уҳлаб қоласиз.

Отавали: (инқилаб) Уриниб кўрдим, иложи бўлмади.

Азиз: Кечаси уҳлаб ётгандим. Бир сапчиб тушиб, мениям чўчитиб юбордингиз. Ҳар куни шундай қиласиз-а.

Отавали: Ўлсам қутиларсан.

Азиз: Сиз ўлмайсиз. Нега ўларкансиз? Ўлсангиз мен нима қиламан?

Отавали: (хўрсиниб) Қўй, юрагимни эзаверма.

*Какку сайрайди. Азиз завқланади.*

Азиз: Уҳ! Эшитяпсизми, дада?

Отавали: Ҳа, эшитяпман.

Азиз: Зўр қуш экан а?

Отавали: Бу - какку. (ўтириб олади) Уфф. Тинкам қуриб кетди. Ох, ўлиб қолсам сени ҳолинг не кечаркин, болам...

Азиз: Агар ўлмасангиз оёғингизни ҳар куни уқалайман.

Отавали: Ўлиш ёки қолиш бандасини қўлида бўлганида ўзим билардим.

Азиз: (ўйчан) Ҳа-ҳим! Ҳаёт нега шунақа, дада? Нега мен бошқаларга ўхшамаганман?

Отавали: Ойинг сени тукқан кезларда юраги куйиб, сув ичаверадиган дардга чалинди. Фафлат босиб айниган сутини сенга эмизиб қўйди.

Сен кўкариб, тиришиб толиб қоладиган дардга чалиндинг.

Худонинг буйруғи экан, шу алфозда катта бўлдинг. Ер юзида ўрмалаб юрганинггаям шукур.

Азиз: Дада?

Отавали: (инқиллаб) Нима дейсан?

Азиз: Менгаям, ҳа-ҳим, хотин... оберасизми?

Отавали: Яна ўша гапни бошладингми? Ўзинг бир жинни бўлсанг. Сенга яна битта

жинни хотинни оберсам, қандай рўзғор тебратасизлар? Кўчага чиқиб нон

тополмасанг...

Азиз: *(йиғламсирайди)* Мен бола кўрмай, хотин олмай ўл-и-иб кетаверайми? Менам бола кўрай-да! Ҳа-ҳим!

Отавали: Ўзинг нима бўлдингу сендан ортган бола нима бўларди. Қўй энди, жиннилик қилаверма, ўзим қийналиб турибман. Доғ сув бер. Томоғим қақраб кетди.

*Райхон киради. Азиз доғ сув келтириб Отавалига ичиради.*

Райхон: Ҳа, дадажон, тузукмисиз?

Отавали: Худога шукур, қизим.

Райхон: Доктор келди. Ўзингизни ростлаб ётинг. *(Азизга)* Азизбек, сиз атрофни саранжомланг. Отамни кийимлари тозами?

Азиз: Топ-тоза.

Райхон: Кечаги кирларини ювиб қўйдингизми?

Азиз: Ҳа, янга.

Райхон: Яшанг. Ўргилай сиздан дастёрим. *( эшик тақиллайди)* Ана Доктор келяпти.

Азиз: *(мазахлайди)* Уҳ! Ҳозир келиб “нима безовта қияпти?” дейдилар.

Райхон: *(дакки бериб)* Азизбек, уят бўлади.

Азиз: *(оғзини ёпиб)* Хўп, янга...

*Райхон чиқади. Бироздан сўнг оқ ҳалатли Доктор киради.*

Доктор: Ассалому алайкум. *(Отавалининг ёнга ўтириб томирини кўради)* Тузукмисиз? Нима безовта қияпти?

Азиз: Музыка.

Доктор: Нима?

Азиз: Музыка кулоқларига ёқмаяпти. Каккуни сайрагани ёқяпти.

Доктор: *(Отавалига)* Уҳладингизми? Дори кор қилдимми?

Отавали: Ҳа, раҳмат, қизим...

Азиз: Кор қилмади! Қайтанга туни билан алахлаб мени қийнадилар.

Доктор: Иштаҳангиз яхшими, отахон?

Отавали: Оз-моз еяпман.

Азиз: Доғ сув ўтяпди холос.

Доктор: Ич қияпсизми?

Отавали: Ҳа, қизим. Ҳаммаси бўлиб турибди. Раҳмат.

Азиз: Қуённи қумолоғидек. Ўн кунда бир марта.

Отавали: Бўлди, Азиз, аччиғимга тегма. Опангдан уялмайсанми...

Азиз: Ростини айтдим-да. Нима қилай энди...

*Доктор укол ҳозирлайди.*

Отавали: Балки укол қилмай қўя қоларсиз, қизим?

Доктор: Тинчлантирувчи дори бермасак бўлмайди. Яна безовта бўлиб қийналасиз.

Азиз: Уҳ! Сал кичикроқ игнангиз йўқми? Шунчалик каттасини санчасизми?

Отавали: Сен аралашма, ўғлим.

*Доктор Отавалига укол қилади. Азиз зир югуриб “вой-вой”лайди. Доктор кулиб, бош чайқаб, хайрлашиб, чиқади. Отавали бир оз хотиржам тортади. Райхон киради.*

Райхон: Дада, хийла тузукмисиз?

Отавали: Раҳмат, қизим, анча яхшиман...

Райхон: Бўпти. Мен энди ишга бориб келай. Азизбек, отамлардан хабардор бўлиб тулинг. Раҳима опам ҳалироқ келадилар. Акангиз келсалар овқатни иситиб берарсиз.

Азиз: Хўп, янга.

*Райхон чиқади. Азиз Отавалининг курагини уқалаб ўтиради.*

Отавали: Бўйнимни ҳам уқалаб қўй, болам.

Азиз: Дада, укол қилса қаттиқ оғрийдими?

Отавали: Йўқ, унчалик эмас.

- Азиз: Мени хув қадимда касалхонага юборишганда, укол қилишган.  
Росса оғриган. Энди уёққа юбормайсиз, а?
- Отавали: Йўқ, юбормайман.
- Азиз: (қучоқлаб) Ўзимнинг дадам! Дада, укол ёқди, а? Анча тузалиб қолдингиз, а?
- Отавали: Ҳа, анча яхшиман.
- Азиз: Бутунлай соғайсангиз менга хотин оберасиз. Уй оберасиз.  
Қўй оберасиз.
- Отавали: Уфф! Қани, тузалаверай-чи, бир гап бўлар, ўғлим. Ҳозирча  
шуердаги қўйларни боқиб тур.
- Азиз: Мени нега кўчага чиқаришмайди? Қўйларни яйловда боқиб  
келай?
- Отавали: Сени онанг кўчадан қизғониб бир умр уйда боқди. Шунинг учун  
кўчада яшолмайдиган бўлиб қолдинг. Кўчага чиқишни  
хаёлингга келтирма.
- Отавалининг юраги қисилиб беҳаловот бўлиб, кўксини ишқалаб ўрнидан  
туради.*
- Азиз: Нега уйда боқдилар?
- Отавали: Ўртоқларингга қараганда ақлинг паст эди. Кўчаларда адашиб тез-  
тез йўқолиб қолардинг. Ўша пайтларда сени тутқаноқ тутарди.  
Баъзан лой-балчиққа ағдарилиб ётиб қолардинг. Онанг сени деб  
бир умр эзилиб яшади. Аммо умрини охирида, ҳаммадан кўра  
кўпроқ сени фойданг тегди. Худо сениям бекорга яратмаган  
кўринади. Мана энди мени боқяпсан...
- Азиз: Агар кўчага чиққанимда, катта пул топиб келиб сизни боққан  
бўлардим.
- Отавали: Бунга саломатлигинг йўл қўймайди.
- Азиз: Ҳеч-да! Ҳа-ҳим! Мен соппа-соғман.
- Отавали: (ўйга толади) Бир куни онанг сени анхор бўйидан топиб келди.  
Ўн беш ёш эдинг, болалар сени мазаҳлаб тошбўрон қилишибди.

Юз-кўзинг лой, қон, кийимларинг йиртиқ ҳолда уйга келдинг.  
Буни кўрган ойинг қон йиғлади. Қайтиб кўчага чиқармай кўйди.  
Уфф, кўрсатган кунингга шукур, аллоҳим.

Азиз: Дада?

Отавали: Ҳа, ўғлим?

Азиз: Мени касалхонага юбормайсиз, а?

Отавали: Йўқ дедимку, ўғлим... Бир гапни ҳадеб такрорлайверма!

Азиз: (*ўй суриб, шошқин*) Ҳа-ҳим! Дада? Одам уйдан кўчага чиқиб,  
тўғрига қараб кетаверса, кетаверса, кетаверса қаердан  
чиқади?

Отавали: Очиқ мозордан чиқади. Бундай қила кўрма. Кўчада адашиб  
қолсанг ортингдан излайдиган ойинг йўқ. Мени аҳволим мана  
бу...

Азиз: Илгари касалхонага қамашганда сиздан ҳафа бўлдим. Ўшанда  
“қани эди ҳеч ким йўқ жойга кетиб қолсам” деб ўйладим.  
Кетавераман, кетавераман, кетавераман! Орқага ҳеч  
қайтмайман! Дарёларни, тоғларни, денгизларни, ўрмонларни  
ўз кўзим билан кўраман!

Отавали: Иннайкейин бўриларга ем бўласан.

Азиз: Ҳеч-да! Ҳа-ҳим! Мауглига ўхшаб дўст бўлиб оламан. Ана!  
Кўйларимиздан бориб сўранг-чи! Ошнанг ким денг-чи?!

Отавали: (*кесатиб*) Ошнаси ким бўларди, сен-да!

Азиз: (*овозини пастлатади*) Анави Райҳон янгам жуда золим.  
(*Атрофга аланглаб олиб*) У кўйларни бошига супургини дастаси  
билан уради. Чумолиларни уясига қайноқ сув қуяди.  
Қалдирғочни инини ким бузди?

Отавали: Хўш, ким бузди?

Азиз: Янгам-да! Уйни булғаб ташлармиш. Булғаса супуриш осон,  
қалдирғочга уй қуриш осон эканми? Ҳа-ҳим!

Отавали: Қалдирғочни инини бузса бузибди-да.

Азиз: Э-э-э?! Улар мени ошнамку?! Каллангиз борми, дада?! “Қара, Азиз, сени янганг инимизни бузди,” деб ҳафа бўлиб учиб кетишди. Бу йил қайтиб келишмади.

Отавали: Бўлди алжирайверма, ўғлим.

Азиз: Янгам охурни супураётганда қўйларни бошига супурги билан урди. Улар хуркиб, ем емай қўйишди. “Емаймиз, кетамиз!” деб туриб олишди. Ялиниб зўрға кўндирдим. Ем емаса озиб қолади-да.

Отавали: Уфф. *(четга)* Яна шу турқи тароватига хотин олиб бер дейдия тентак! *(Азизга)* Ҳадеб янганг билан олишавермагин, ўғлим. Бўптими?

Азиз: Бўпти. Ҳа-ҳим!

*Раҳима тугун кўтариб киради. Саломлашиб Отавалининг юзидан ўпади. Азизнинг қўлига тугунни беради. Тугун устида тахлоглиқ куйлак бор.*

Раҳима: Дадажон, тузукмисиз?

Отавали: Раҳмат, қизим. Мана, ўрнимдан ўзим туряпман...

Раҳима: Ётиб ола қолинг, дадажон. Тинкангиз қуриб қолмасин.

Отавали: *(ўрнига ётади)* Болаларинг тузукми?

Раҳима: Худоё шукур.

Азиз: Опа?!

Раҳима: Ҳа, Азиз?

Азиз: Бу куйлак кимники?

Раҳима: Сенга олиб келдим. Поччангга тор келиб қолган. Дадамизни караганингга мукофот.

Азиз: *(хурсанд иргешлайди)* Уҳ! Раҳмат! Чиройли куйлак экан. *(эгнидагисини ечиб янгисини кияди)* Ярашдимми, дада?

Отавали: *(қараб қувонади)* Ҳа, ўғлим. Ярашди.

Азиз: Тузалиб қолсангиз хотин оберасиз. Куёвга ўхшаб қолдим, а?

Раҳима: Оллох! Яна бошладингми, Азиз?! Сенга мос келинни қаердан топайлик? Бу тўғрида бошқа гап очма! Қалтак ейсан!

Азиз: (чўчиб) Хўп-хўп-хўп! (куйлакни томоша қилади) Кўчага бир марта чиқай. Шундоқ дарвоза олдига чиқаман ҳолос, дада.

Отавали: Майли, узоққа кетмагин, ўғлим.

*Азиз чиқади. Раҳима Отавалининг қўлларини уқалайди.*

Раҳима: Олдингидан анча яхшисиз, дадажон. Куёвингиз телефон қилиб салом айтдилар.

Отавали: Саломат бўлсин, қизим. Ишлари яхшими? Соғ-саломат юрибдимми?

Раҳима: Яхши эканлар. Тез кунларда келиб қоладилар, дадажон.

Отавали: Болаларингни бахтига илоҳим соғ омон бўлсин.

*Азиз қийқариб кулиб киради. Радиони қўяди. Позивной мусиқа янграйди.*

Азиз: Уҳ! Ҳаммани оғзи “ланг” очилиб қолди. Мактабдан келаётган болалар (кўрсатиб) мана шундоқ қараб қотиб қолишди, дада! Ҳа-ҳа-ҳа! Куйлагимни кўринг! Бир ўйнаб берай! Майлими?

Раҳима: Ўчир! Дадамни кулоқларига ёқмайди!

Отавали: (жилмайиб) Майли, ўйнай қолсин...

*Азиз эшилиб рақсга тушади. Отавали билан Раҳима куладилар.*

**Зулмат.**

\*\*\*

## **2. Гипнозчи.**

*Отавалининг ҳовлиси. Отавали ўз ўрнида ётади. Азиз қўнғиз тутиб олган, уни томошалаб ўтиради.*

- Азиз: Дада?
- Отавали: Ҳа, ўғлим?
- Азиз: Нега одам учмайди?
- Отавали: Одамни қаноти йўқ-да, болам.
- Азиз: (*қўнғизни ўпади*) Мунча чиройлисан, қўнғизжон! Айланай! Дада, қўнғизни кўринг. Ялтироқ қўнғиз. Кечаси ёнади.
- Отавали: (*қараб кўради*) Ҳа, тузук. Энди уни қуйвораворақол, ўғлим.
- Азиз: Ҳозир бу қўнғиз касал. Буни силаб кўямиз. Кейин тузалади. Уйига учи-и-и-иб кетади. (*Қўнғизни силаб, бир четга қўйиб келади*) Дада?
- Отавали: Нима дейсан, болам? (*инқиллайди*)
- Азиз: Ойингизни соғиндингизми?
- Отавали: (*хушёр*) Нега сўраяпсан?
- Азиз: Тунда ойингизни чақирдингиз.
- Отавали: Ойингниям, бувингниям бугун тушимда кўрибман, ўғлим. Бир боғда узумлар ғарқ пишибди. Ойинг билан бувинг, ўшаердаги сўрида менга чой ҳозирлаб ўтиришибди. Менга ишора қилиб ўзлари томон имлашди. Кейин уйғониб кетдим. Ўлиб қолсам керак, ўғлим...
- Азиз: Ўлмайсиз. Мени тушимда ойим тирилиб келибдилар. Эҳтимол ойим қайтиб келарлар?
- Отавали: (*хўрсинди*) Эҳ, тентак болам, ўлган киши қайтиб келганида, пайғамбарлару авлиёлар қайтиб келишарди.

*Комил киради. Отавалининг бошини силаб ёнига ўтиради.*

- Отавали: Ишга жўнадингми, болам?
- Комил: Ҳа, дадажон. Бугун гипнозчи келади. Сизни сеанс қилади.
- Отавали: Сеансни нима кераги бор... Мулла дам солиб турибди. Доктор укол қиляпти. Ўзингни койитма, жон болам.
- Комил: Нега ундай дейсиз. Қилсам отам учун қиляпман-да.

Отавали: Ўргилай сендан, болам. Ҳеч бир фарзанд сизларчалик отага, онага меҳрибон бўлмаган. Ота-онамга хизмат қилгандим, қайтар дунё экан, мана, сизлардан қайтди. Тирикчиликни тўхтатиб қўйманглар.

Комил: Ҳавотир оляпман-да, дадажон. (*хўрсинади*) Зора сеанс кор қилса, оёққа туриб кетсангиз.

Отавали: Ишингга борақол, кечикма, ўғлим.

Комил: (*Азизга*) Отамга яхшилаб қарагин. Кейин мошинага солиб сени шаҳарда ўйнатиб келаман.

Азиз: Бўпти! (*эркаланиб суйканади*) Қачон, акавой?!

Комил: Эртага.

Азиз: Йўқ. Бугун кечқурун.

Комил: Бўпти, ўйлаб кўраман. Яхши қолинглар.

*Комил чиқади. Дарров қайтиб киради. Ортидан Гипнозчи киради.*

Комил: Дада, айтган кишим келиб қолдилар. (*Гипнозчига*) Сиз бемалол ўз ишингиз билан шуғулланаверинг. Мен кечикяпман.

*Комил чиқади. Гипнозчи шахдам юриб Отавалига яқинлашади.*

Гипнозчи: Салом!

Азиз: (*хайрон*) Уҳ!

Отавали: Келинг, ўғлим, келинг.

Гипнозчи: Мен руҳий табиб, Ал-Бахтиёр Ал-сеҳргарман! Отахон, биз бугун сиз билан сеҳрли сеанс ўтказамиз!

Отавали: Бу дардимга даво бўлармикин?

Гипнозчи: (*баланд, расмий*) Менинг сеансларимда! Ҳар қандай нуқсон ва дард тузалади! Ориқлар семиради! Семизлар озади! Паканалар ўсади! Новчалар чўқади! Касаллар соғаяди! Соғлар...

Азиз: Касал бўлади!

Гипнозчи: *(кескин)* Йўқ! Улар яна-да соғлом бўлади! Уҳламайдиган уҳлайди! Уҳлайверадиган уғонади! Бахтсизлар бахтли бўлади! Бахтлилар...

Азиз: Бахтсиз бўлади!

Гипнозчи: Жим тулинг, чала бемор. Бахтлилар яна-да бахтли бўлади!

Отавали: Ундай бўлса сиз замонавий азайимхон экансизда-да, ўғлим?

Гипнозчи: Шундай десак ҳам бўлаверади!

Отавали: Мана бу жинни ўғлимниям тузата оласизми?

Гипнозчи: Мен иш фаолиятим давомида мингта жиннини тузатганман.

Отавали: *(хайрон)* А-а?! Юртимизда жиннилар шунақа кўп эканми?

Гипнозчи: *(тўхталиб)* Энди сеансларни бошлаймиз!

*У Отавалини ўтиргизиб қўяди. Азиз ҳам унинг ёнига келиб ўтиради.*

*Гипнозчи*

*зарчопон ва зар салласини ҳалтадан олиб кияди.*

Мен аввал салла-чопонимни кийиб олай. *(кўтаринки руҳда)*

Мана энди бошладик!

*Гипнозчи ўртага чиқиб турли фигуралар ясаб гипноз пассаларини намойиш этади. Азиз болаларга хос равишда, ҳар турли аҳволга кириб - қийшайиб, бўйнини чўзиб, қўлини дурбун қилиб, уни ажабланиб кузатади. Ваҳимали мусиқа янграйди.*

Азиз: Ўйин тушяпсизми, ака?

Гипнозчи: Гап қўшманг! Икковингизам ўрнингиздан тулинг!

Азиз: Хўп бўлади!

*Азиз ва Отавали ўринларидан турадилар.*

Гипнозчи: Ҳозир сизларни руҳий таъсири ортга тортади. Чайқала бошлайсизлар! Ким жинни бўлса, маст бўлса унга гипноз таъсир қилмайди.

Азиз: Уҳ! Менга зўр таъсир қиляпти! Ҳа-ҳим! Хотин оладиган қилиб тузатинг, ака, илтимос!

Гипнозчи: Яхши! Тайёрланинглар! (*ҳайбатли*) Мен ўзимдан чиқаётган тўлқинларни

вужудингизга юборяпман! Вужудингиз жимирляпти! Ҳамма ёгингиз

қимирляпти!

*Азиз қилтиллаб қимирлайди, Отавали букчайиб тураверади.*

Энди шамолда тебранаётган тераклар каби тебраняпсиз! Кўзингизни уйқу илғайди. Менинг ялтироқ саллам кўзингизга жуда ҳира кўриняпти!

Азиз: (*кўзини қисиб*) Тў-ў-ўғри-и-и-и!

Гипнозчи: Ҳозир ўйқингиз келяпти! Уҳланглар-р-р-р! Уҳланг! Кўзингиз илинди! Кўзлар юмиляпти! Юмиляпти!! Уҳланглар-р-р!

*Гипнозчи ўзи ҳам кўзларини юмиб чайқалади. Азиз ерга йиқилиб, узала тушиб ётади. Оёқлари ва қўлларини юқори кўтариб қотиб қолади. Отавали Гипнозчига яқин келиб нўқийди.*

Гипнозчи: (*чўчиб додлайди*) А-а-а-а! Ким бу?! (*кўзини очиб юрагини уқалайди*) Вой, юрагим беҳаловат бўлиб кетди...

Отавали: Ўғлим, мен қари одамман. Тушагимга ётиб уҳласамам бўлаверадими?

Гипнозчи: (*руҳи тушиб*) Эҳ, майли, билганингизни қилинг...

*Отавали тушакка ётади. Азиз бир кўзини очиб, хуштак чалиб Гипнозчини чақиради.*

Азиз: Мен нима қилай, ака? Шуерда ётаверайми?

Гипнозчи: Ётаверинг, чала бемор.

Азиз: Шунақа-ю, қўйларга сув бериб қўйиш керак-да. Уҳлаш кимга ёқмас экан.

Гипнозчи: (*қўл силтаб*) Э, сизам билганингизни қилинг. Азиз беморлар, шу билан

сеансимиз тамом. Уй-уйларингизга кетишинглар мумкин.  
Гипнозни Ал-Бахтиёр Ал-сехргар олиб борди. Эътиборингиз  
учун раҳмат. Хайр. Ширин тушлар кўриб ухланглар..!

*Гипнозчи ланж бўлиб, салла-чопонини ҳалтага солиб, шумтираган  
аҳволда чиқади. Азиз Отавалининг ёнига келади. Отавали жилмайиб ётади.*

Азиз: Нега куляпсиз, дада?

Отавали: Бу шаҳарда битта сен жиннисан десам, шеригингам бор экан,  
болам. Сени шу одамга шогирдликка берсам бўларкан.

Азиз: (кулади) Ҳа-ҳим! Нега?!

Отавали: Биргалашиб алжираб юрардинглар-да.

Азиз: Мен анча тузалиб қолдим. Каллам зўр тузалганга ўхшайди. Мана  
энди ҳовотирланмай, бемалол уйлантириб қўйсангиз бўлаверади.

Отавали: Менам бир оз соғайганга ўхшайман. Тушакда ётгим келмаяпти.  
Ухламасам нима бўпти... Ҳали қанча ухлаймизу-у...

Азиз: Дада?

Отавали: (бардамлашиб ўтириб олади) Ҳа, ўғлим?

Азиз: Эшак тикка туриб ухлаб қоларкан, а? Ёмон туш кўрганда “гурс”  
этиб йиқилиб тушаркан. Ўзим кўрганман.

Отавали: Кун бўйи ишлаб чарчайди-да, ўғлим.

Азиз: (ўйчан) Анави қўшнимиз Қўзивой ака ёмон одам.

Отавали: Ундай дема, ўғлим. Одамни ёмони йўқ.

Азиз: Бор, дада. Шу Қўзивой ака эшагини роса уради. Эшаги айтади-да.  
“Кун бўйи даладан ўт ташийман, ем ташийман, менга овқат  
бермайди, ураверади, ураверади,” деб қарғайди Ўшанга  
Қўзивойни невараси касал бўлиб қолди-да. Ҳа-ҳим!

Отавали: (баланд) Бўлди! Бемаза гапларни гапираверма.

Азиз: (кўтаринки) Хо-о?! Кучай-кучайку ишлар! Тузалиб  
қолдингиз, а?

Отавали: Чинданам гипноз шифо бўлди шекилли...

- Азиз: Энди ўлмайсиз, а?
- Отавали: Нега ўларканман! *(бардам кулади)* Ўладиган гўстхўр йўк! Мен энди яшайман. *(бардам туриб юради)* Қара, Азиз, ростданам соғайиб қолдим!
- Азиз: Дада?
- Отавали: Ҳа?
- Азиз: Менга хотин обериб, тўйимда ўйнайсиз! Биз - келин иккимиз сизга пул берамиз. Ўғил кўрганамда, ўғлимга тўй қилиб берасиз. Пенса пулингизни энди ҳеч кимга бермай туринг. Тўйимга жуда кўп пул керак.
- Отавали: Бўпти! Агар тузалиб кетсам сенга мос келин топаман! Келин тамонга сени мақтайман! Онанга икки йил қарадинг! Мени бир йилдан бери боқяпсан.
- Азиз: *(қувониб)* Раҳмат, дада! Битта ўпай! *(ўпади)* Ўзимни дадам! Хотин обертангиз, кўчага чиқиб ишлашни ўрганаман. Ўлманг, дада, ўлманг!
- Отавали: *(қучоқлаб)* Бўпти, ўғлим! Ўлмайман, ўғлим! Сени уйлантираман!

### **Зулмат.**

\*\*\*

### **3. Фолбин.**

*Отавалининг ҳовлиси. Отавали яна тушакка михланиб қолган. Райхон, Комил, Раҳим унга парвона бўлиб қарайдилар. Азиз бир четда бошини ҳам қилиб йиглаб ўтиради. Қаргалар қариллайди. Азиз уларни “киш-киш”лаб асабий ҳолда ҳайдайди.*

Комил: Дада, сизга нима бўляпти?

Отавали: Нафасим қисяпти, болам, ҳаво етишмаяпти-да.

Раҳима: Доктор укол қилдими?

Райхон: Ҳа. Аммо уколларам кор қилмай қўйди...

Отавали: Ташвишланманглар, болаларим...(ҳарсиллаб) Вой,  
худойим...омонатингни

осонроқ олақол... Қандайдир қора соялар мени ўраб олганга  
ўхшайди... Кўз олдим туман...

Комил: (сиқилиб, бўғилиб) Нима қилса бўлади? Яна нима қилиш керак?

Раҳима: Шифохонага обораилик, ака?

Комил: Докторлар уйда қарайверинглар деб қайтариб беришган-да,  
синглим...

*Ташиқи эшик тақиллайди. Азиз чопиб чиқиб Фолбин хотинни етаклаб  
киради. У кириб беморга назар солади.*

Фолбин: Отангизни инс-жинслар ўраб олибди. Ҳозир енгиллатаман. Тез-да  
чироқлик

ҳозирлаш керак, юринглар.

*Райхон ва Раҳима фолбин билан чиқадилар. Азиз билан Комил  
Отавалининг оёқ қўлларини уқалайдилар.*

Азиз: Ака, табиб ошнангиз келмадику?

Комил: У атказ қилди, Азиз.

Азиз: Нега атказ қиларкан? Ҳаммани даволайдимиз? Нега дадамни  
тузатмайди?

Комил: Ўзи билади, Азиз, мен қаёқдан билай.

Отавали: Азиз, кўп гапираверма, ўғлим. Акангни айтганини қилгин. Ух!

Ух! Мен ўлгандан кейин мана шу аканг сенга ота бўлади,  
ўғлим.

Азиз: Ия, бу акамку?!

Отавали: Ака ота ўрнига ота бўла олади... Тўғрими, Комилжон?

Комил: Тўғри айтасиз, дадажон.

*Фолбин, Райхон ва Раҳима кирадилар. Саҳна қоронгулашади. Фолбин аёл чироқ пиликларни ёндириб Отавалининг бошидан айлантиради. Ҳайбатли мусиқа янграйди.*

Фолбин: Лову лашкарлар! Инсу жинлар! Деву парилар! Мен оловимни ёқдим! Ортга

кочинглар! Отавали Раҳимжон ўғлини танасидан чиқинглар!

Азиз: *(бақуриб)* Чиқинглар! Йўқолинглар!

Фолбин: *(ҳайбатли)* Эгасиз мозорларга кетинглар! Тоғу тошларга кетинглар! Дашту

биёбонлар ватанингиз! Ўша ёққа кетинглар!

Азиз: Кетинглар! Йўқолинглар!

Фолбин: *(оммага)* Сизлар узокроқ қочиб туринглар!

*Комил, Раҳима, Райхон чиқадилар. Азиз Фолбин ёнида қолади.*

Азиз: Мен қолаверайми?

Фолбин: Сенам чиқ, ўғлим!

Азиз: Мен сизга ёрдам бераман! Ўша девларни ўлдираман! Дадамни тинч қўйсин!

Фолбин: *(зойибга)* Сувдан келганингни ўтда ёқаман! Ўтдан келганингни сувда

чўқдираман! Бошингга тупроқ сочаман! Қирқ бир чироқ, қирқ бир чилтон хурматидан! Ҳамманг чиқ!

Азиз: *(зойибга нўписа қилиб)* Ҳамманг чиқ! Чиқ!

*Фолбин чироқни айлантириб бўлиб уни Азизга беради.*

Фолбин: Буни тандирга ташлаб кел, девонагинам.

*Азиз чироқни олиб чиқади. Фолбин чилдирмасини олиб гумбирлатади. Беморни тўшакдан тўрғизади. У энгил қадамлайди. Фолбин бемор атрофида айланиб чилдирмасини гумбирлатади. Азиз киради, ўйнайди.*

Азиз:                   Хайт! Яшанг, холажон!

Фолбин:   (ҳайбатли) Ўн икки имом! Қирқ бир чилтон! Лову лашкарлар!  
Шофеъ малаклар! Инсу жинлар! Деву парилар! Мададга келинг!

Азиз:               (бақириб) Келинг! Келинг! Келақолинг!

Фолбин:   Отавалини дардини олинг!

*Фолбин чилдирмасини қўйиб қамчисини олади. Отавалини савалайди.*

Азиз:                   (ташвишли) Уҳ! Сал секинроқ, хола! Сал секинроқ уринг,  
илтимос!

Фолбин:   (бепарво) Чиқ ярамаслар! Чиқ! Тинч қўй Отавалани! (тўхталади)  
Парвардигорим, шу беморга шифо бер! Омийн.

*Сахна ёришади. Фолбин аёллар этагида чиқади. Отавали бардамлашиб ўрнидан туради, нари-бери юришига бошлайди. Раҳима ва Райхон қайтиб кирадилар.*

Комил:       Қаранглар, дадамлар тетиклашиб қолдилар.

Раҳима:       Худога шукур! Худога шукур!

Райхон:       Тузалганлари рост бўлсин.

Отавали:      Қўли энгил аёл экан. Умридан барака топсин. Тузукман.

Азиз:               (ҳовлиқиб) Мен девларни ҳайдашиб турдим! Ҳаммаси кўрқиб  
кочиб кетди!

Отавали:      (чучкиради) Алҳамдилуллох.

Омма:          Саломат бўлинг, дада.

Отавали:      Раҳмат, болаларим. Илгари бизни оиламизда меҳру оқибат жуда  
кучли эди. Акам раҳматли отамни оёқлари шол           бўлиб  
қолганда, опчиб бозорга олиб чиқардилар. Менам уларни аравага  
солиб бозорбошини айлантириб келардим. Бирортамиздан норози

бўлмагандилар. Мендан кейин иноқ яшанглар, бўптими, болаларим.

Омма: Албатта! Албатта!

Отавали: Мени ягона илинжим мана шу Азизда қолди. Азизни аҳволи нима кечаркин деб ҳалигача жонни жабборга топширолмай ётибман... Уч йил аввал уйлантириб қўйсам бўларди. Ўшанда каллам ишламаган экан.

Комил: Кўп эзилманг, дадажон, бир гап бўлар. Азизни ўйлагунча ўзингизни ўйланг.

Отавали: Вой, болагинам-а, болани тўғрисида ўйламай бўларканми. Менга айтинглар, болаларим, - мен ўлгандан кейин Азизни хор қилмайсизларми?

Райхон: Ташвишланманг, дада.

Комил: Кўнглингизни тўқ қилинг.

Раҳима: Бу бизни эркатойимизку, дадажон.

*Азиз Отавалини қучоқлаб, эркаланиб гамзалайди.*

Отавали: Бу йигит ҳаммабоп. Ўзингиз кўриб турибсиз, онаси билан менга холис хизмат қилди. Худони дўстлари баъзан шунақа нуқсонли яратиларкан. Бундай кўнгли синиқ одамларни дуосидан хонадон обод бўлади, маҳалла кўй, элу юрт тинчу фаровон бўлади, болаларим. Сизларга ишонаверайми? Азизни эҳтиёт қиласизларми?

Омма: Эҳтиёт қиламиз, дадажон.

Азиз: Мени касалхонага юбормайсиз а, ака?

Комил: Юбормаймиз.

Раҳима: Ташвишланма, Азиз.

Отавали: Ташвишланма, қўзичоғим, сени мана шундай меҳрибонларинг бор.

**Зулмат.**

#### 4. Жўдолик.

*Отавалининг ҳовлиси. Отавали жуда ҳам заифлашган аҳволда, ҳирллаб нафас олиб тўшакда ётади. Азиз ёнида ўтиради.*

Отавали: (сўниқ) Аканг келмадими?

Азиз: Ҳозир келарканлар. (Қувониб) Дада, бугун кўшнимиз ош дамлаб чиқибди. Мазза қилиб еб олдим. Сиз касал бўлгандан бери ҳамма кўшнилар овқат олиб чиқишяпти.

Отавали: Мен ўлгандан кейин кўрасан, Азиз. Овқат сенга ёғилиб кетади. Бўкиб қолгунча ейсан. Мени соғинасанми, ўғлим?

Азиз: Ҳозирам соғиняпманку кейин соғинмасмидим? Жиннисиз-да, дада. Илгари сиз билан чойхонага бирга борганимиз эсингиздами? Бозорга оборганингизда зўр бўлганди-да. Акам бўлса ҳар сафар алдайди. Обораман дейди-ю обормайди.

Отавали: Уни ишлари кўп, сен ундан ҳафа бўлма, болам.

Азиз: Бугун тушимда ойимни кўрдим. Сиз билан чой ичиб ўтирибдилар. Сиз тузалиб қолганмишсиз.

Отавали: (қаттиқ қийналади) Вой, болам, яна ҳаво етишмаяптику. Бор, мулла Одилни чақириб чиқ. Менга дам солиб қўйсин.

Азиз: Хўп.

*Азиз чиқади. Комил кириб Отавалининг бошини силайди. Ёнига ўтиради.*

Комил: Нима бўляпти, а, дадажон? Нима бўляпти?

Отавали: Ҳаво етишмаяпти, ўғлим.

Комил: Худойим шифо берсин... (қўлини ўпиб юзига суртайди) Нима қилсам экан... Нима қилсам экан...

Отавали: Ҳозир Одил қори келади. Менга дам солиб иймонимни ўқитиб қўйсин, ўғлим. Сен ҳам шу атрофда бўлгин. Бугун анчагина аҳволим танг.

- Комил: Хўп, дадажон. Хўп. (*тўхталиб*) Дада?
- Отавали: Ҳа, болам?
- Комил: Бир гапни сўрашдан ҳижолат бўляпман...
- Отавали: Сўра, болам. Ҳижолат бўлма...
- Комил: (*хўрсиниб*) Мендан розимисиз демоқчи эдим...
- Отавали: Албатта, ўғлим. Албатта розиман. Мингдан минг розиман...
- Комил: Дардингизга шифо тополмадим. Шунча йилдан бери иш дедим, рўзғор дедим, ҳизматингизни қилолмадим.
- Отавали: Қилолмаган бўлсанг, катта-катта нон топиб келдинг, болам. Мана, шунинг ўзи ҳизмат-да. Бир замонлар фарзандга зор бўлиб ойинг иккимиз мазорма-мазор, юриб худодан тилаганмиз. Мана, ойингам, менам шундай обрў билан, яшаб оламдан ўтдик. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўйинма, болам.
- Комил: Хўп, дада...
- Отавали: Сизларга етказган парвардигоримга шукур. Кўрган кечирган қисматимга мингдан минг шукур. О, хору зор бўлганларни кўрганмиз. Кўчаларда ўлиб кафансиз кўмилганларни кўрганмиз, болам.

*Азиз билан Одил кирадилар. Одил Отавалининг ёнига ўтиради. Бошини силаб қўяди. Азиз бир четда йиғлаб ўтиради.*

- Одил: Нима бўляпти, оқсоқол?
- Отавали: (*қийналиб*) Умрим битган кўринади, мулла. Умрингиздан барака топинг. Иймонимни ўқитиб қўйинг деб чақиртирдим.
- Азиз: (*унсиз йиғлайди*) Тезроқ ўқинг, Одил ака. Хотин обермай ўлсаларам майли. Мен розиман. Жуда қийналиб кетдилар.
- Отавали: Йиғлайверма, ўғлим. Бошинг тошдан бўлсин...
- Одил: Бу дунё ўлим олдидан беш кунлик саёҳат экан, Отавали ака. Ҳаммамиз Аллоҳдан келдик, яна Аллоҳга қайтамиз.
- Отавали: Ҳақ, айтдингиз тақсир... (*беҳалват бўлади*)

Одил: (ўқийди) Ло илахо иллаллох, Муҳаммадур-расулиллох. Ашҳаду алла илаҳа иллаллох, вашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва росулух! Ичингизда ўқийверинг, ака. Жон азоби енгил бўлади. Ўқинг.

*Отавали пичирлаб ўқий бошлайди. Райхон ва Раҳима кирадилар. Отавалининг яқинига ўтирадилар. Отавалининг жони узилиб тинчланиб қолади. Аёллар ва Комил йиғлайдилар. Азиз келиб кўради. Одил мархумнинг кўзини ётиб фотиҳа ўқийди. Азиз қиқирлаб узоқ кулади.*

**Зулмат.**

\*\*\*

### **5. Ҳайдалиш.**

*Орадан бир йил ўтади. Отавалининг ҳовлиси. Азиз ҳовли супуриб юради. Раҳима, Комил, Райхон кирадилар. Сўрига ўтирадилар.*

Комил: Азиз?

Азиз: Лаббай, ака?

Комил: Бор, қўйларга ҳашак сол.

Азиз: Бўпти, ака.

*Азиз чиқади.*

Райхон: Кўрдингизми, қилар ишни қилиб яна сипо бўлиб олибди. Мени маҳаллада шарманда қилди.

Раҳима: Азизни мен уйимга олиб кетолмайман, Райхон.

Райхон: Бўлмаса ногиронлар уйига берайлик.

Комил: Ногиронлар уйига буни қабул қилишмайди. Рухий касаллар шифохонасига жойлаштирамиз. Бошқа йўл йўқ.

Раҳима: Ўйлаб гапиринг, ака. Отамиз ўлим олдидан васият қилгандилар.

- Райхон: Азизбекни йўлга солиб бўлмаяпти. Қачонгача ёш болани кетидан чопгандек чопаман? Болаларимни ташвишиям менга етиб ортади. Агар малол келмаса уни уйингизга олиб кетинг.
- Раҳима: Тушунинг, мен буни уйимга олиб кетолмайман. Қайнанамни инжиқлигини биласиз. Агар ёлғиз яшаганимда чора топган бўлардим.
- Райхон: Азизбек туфайли отам ўлгандан бери ҳаловатимиз йўқ! Шу бир йил ичида кўрсатмаган хунари қолмади.
- Раҳима: Илгари оғирлиги тушмагандику? Касал ойимга, дадамга ҳизмат қилганда керакли эди. Бу бола яна бирор корингизга яраб қолар?
- Комил: Райхон тўғри айтади. Азиз йигирмага кирди. Уни болалиги қолдими, ука? Тўғри, уй-жойни саранжомлайди. Қўй-молга қарайди. Лекин ўтган куни кўчага чиқиб кетибди. Бу йўл қоидасини билмайди, ўнгқўл чапқўлни тушунмайди. Райхонгаям қийин-да.
- Райхон: Қисқаси, Раҳимахон, Азизбекни касалхонага ташлаб келамиз. Бошқа иложимиз йўқ. Бемаҳал кулади. Бир куни тунда дадам билан ойимни чақириб йиғлаб қолди. Уйдан чиқиб “ҳа нима бўлди?” десам, “дадам билан ойимни соғиндим, ” дейди.
- Комил: Қашқа қўй ҳақидаги можарони айтиб бер.
- Райхон: Ўтган ойда дадамни йил ошларига қашқа кўчқорни сўйдик. Оламни бошига кўтариб жанжал қилди. Биз қўйни пенсияга чиққунча боқамиз деб емлабмидик?
- Раҳима: (*зардали*) Бўпти-да. Агар шунчалик зериктирган бўлса, мен нимаям дердим. Менам бировни уйида ўтирган қулман, ака...

*Райхон чиқади.*

- Комил: Мендан нотўғри ҳафа бўляпсан, синглим.
- Раҳима: Арвохлардан кўркмайсизми, ака?
- Комил: Янганг икковини жанжали жонимга тегди, синглим.
- Раҳима: Ахир Азиз индамай уй юмушларини бажариб юрибди-ку...

- Комил: Бировга осон тутмагин, Раҳима. Азизни нафси бузук. Кеча меҳмонларга деб пиширилган гўштни тишлаб қўйибди.
- Раҳима: Кўнгли кетган бўлса тишлагандир-да. Шунга озгина бериб қўйса, ўша ардона гўшт камайиб қоладими? Меҳмон келиб-кетар меҳмон, бу қиёматлик жигар, ака!
- Комил: Бўлди қил энди, синглим...

*Азиз билан Райхон кирадилар.*

- Комил: Азиз?
- Азиз: Ҳа, ака?
- Комил: Бугун сен билан бир жойга борамиз.
- Азиз: *(тайсаллайди)* Касалхонага ташлаб келмайсизми?
- Комил: Йўқ.
- Азиз: Унда нега опам йиғлаяптилар? Ҳа-ҳим!
- Комил: Хурсандчиликдан йиғлаяпти. Сени узоқ жойларга обориб ўйнатиб келаман. Ўзинг саёҳат қилишни орзу қилардинг. Тўғрими? Тоғлар, ўрмонлар, денгизлар, шаҳарлар, а?
- Азиз: *(ҳаяжонли қилтиллаб)* Ҳа! Ҳим! *(қулади)* Зўрку!
- Раҳима: *(йиғлайди)* Ҳа-а! Азиз, зўр бўлди! Зўр!
- Азиз: *(қўрқади)* Уҳ! Йўқ, ака! Сизга ишонмайман! Мени уерга ташлаб келманг! Уерда ёмон укол қилишади. Овқати бемаза... *(йиғлайди)* Уерда мени жиннилар уришади!
- Комил: Сени касалхонага обормайман! Бўлди қил!
- Азиз: Уерни-чи, *(овозини пасайтириб)* хожатхонаси сассиқ! Ювингани сув оз. Ҳовлиси жуда тор. Бормайман! Йўқ бормайман!
- Райхон: Сизни хув узоқдаги тоғларга ўйнатгани оборадилар акангиз, Азизбек. Сиз энди тоғда яшайсиз. Отларни, эшакларни миниб ўйнаб юрасиз. Биз билан яшаб сиқилиб қолдингиз.
- Азиз: *(баланд йиғлайди)* Йўқ, жон янга, ундай қилманг. Қулингиз бўлай. Энди тушундим. Мени ҳайдаяпсиз! *(ёш боладек ирғишлаб йиғлайди)* Бормайман! Бормайма-а-ан! *(ерга ётиб олади)*

- Райхон: Ахволини кўрдингизми, Раҳимахон?! Ўттизни қоралаган болани гавда бошини кўринг, қилаётган хунарини кўринг! Эртага биз келин олиб қиз чиқарамиз, қайинсингил! Қуда-андамни олдида укангиз бунақа томоша кўрсатиб турса, одамлар дастурхонимдан ҳазар қилиб қочсади. Битта Азизни деб учта болам бетоъле бўлсинми?!
- Раҳима: *(хўсиниб)* Биламан, сизам бир муштипарсиз, янга... Лекин Азизга қийин.
- Райхон: Азизни битта жони бор. Битта нонга тўяди. Қўй-қўзилар билан гап ўйнаб, осмондан учиб ўтган қуш билан сўзлашиб вақтини чоғлайди. Дадам ўлган кунлари қотиб кулгани-чи! Соғ одам шу ишни қиладими?
- Раҳима: *(Азизга)* Нега ундай қилдинг, жинни?! *(ийглайди)* Нега?!
- Азиз: Ух?! Қачон?!
- Раҳима: Дадамиз ўлган кунлари нега кулдинг? Ҳаммамиз йиғладик. Сен бўлсанг, кулавердинг, жон ука... Нега бундай қиласан?
- Азиз: Бунга бир йил бўлдику, опа... Энди қилмайман...
- Раҳима: Отаси ўлган фарзанд йиғлайдими ё куладими? Айтчи?
- Азиз: *(тўхталиб, ўрнидан туради)* Ҳа-ҳим... йиғлайди...
- Комил: *(аччиқли)* Сен нега кулавердинг? Нега бизни шарманда қилдинг, жинни?!
- Азиз: *(эзилиб тушунтиради)* Ахир..! Дадам нафас ололмасдилар-да! Кечаси билан уҳлолмай юриб чиқардилар. Сизлар буни билмай уҳлайверардингиз. Дадам “хаво-хаво!” деб туни билан бўғилиб кўп қийналдилар... Ўлиб тинчланиб қолувдилар севиниб кетдим-да... *(ийглайди)* Бунга бир йил бўлдику, кечиринг, ака... Кечиринг, жон опа! Энди қилмайман.
- Райхон: Гап битта, дадаси, укангизни буердан йўқотинг! Ё мен бу даргоҳда яшайман ё Азиз яшайди!
- Комил: Азиз, бор қийимларингни алмаштир.
- Азиз: Ака, уерда мени уришади...

*Комил Азизга қўл кўтаради, Азиз чўчиб санчийди.*

Комил: Калтак ейсан, Азиз! Жонимдан тўйдирдинг!

Раҳима: Бор, кийиниб чиқ, Азиз. Бекорга вақтни ўтказма!

Азиз: Опа, мен энди уерларда ўлиб кетаманми, а?

Раҳима: *(сўниқ)* Энди тошга сол бахтингдан кўр, Азиз.

Азиз: *(йиғлаб Комилга ялинади)* Йўқ-йўқ! Ака! Мен пул санашни ўргандим. “А” билан “Б”ни ёзишни Дилшоддан ўрганиб олдим. Ёзиб кўрсатайми?! А, ака?!

Райхон: Бўлди, Азизбек! Отланинг!

Азиз: *(газабланиб)* Сиз ёмон одамсиз, янга! Сиз золимсиз! Сиз чумолиларни инига қайноқ сув қуясиз! Сиз қўйларни урасиз! Жиянларимни урасиз! Олмамизни шохларини арралаб азоб берасиз! Сиз “А” билан “Б”ни билмайсиз! Мен биламан!

Райхон: *(энсаси қотиб)* Бошланди!

Азиз: Сиз қашқа кўчқорни сўйишяпганда, уни мазахлаб тепасида томоша қилиб тургансиз! Сиздан ҳафа бўлиб ўлди у! Сичқонларга тузоқ қўйиб, уларни ҳар куни ўлдирасиз! Болалари ертўлада чийиллаб йиғлайди. Сиз қотиб куласиз! Ҳа-ҳим!

Райхон: *(газабланиб)* Кўрдингларми укангизни!

Азиз: Сиз дадам ўлганларида устингизда йиғлаб, ичингизда кулгансиз! Ўзим кўрганман! Ҳеч кимга айтмаганман! Ҳа-ҳим! Сиз ёлғончисиз! Менга олайманг..! Мен “А” билан “Б”ни ёзишни ўрганиб олганман! Энди сиздан кўркмайман!

Комил: Жўнайқол энди, Азиз.

Азиз: *(мунгайиб)* Қўйларим билан хайрлашиб чиқай... Майлими, ака?

Комил: Майли, фақат тезроқ, Азиз.

*Азиз чиқади. Мунгли мусиқа янграйди. Улар сукутда ўтирадилар. Азиз Раҳима берган куйлакни кийиб қайта киради.*





Унсин: Бу хилват тоғу тошларни орасига қиз излаб кимам келарди.

Раҳмон: Худога шукур қил, онаси.

Унсин: Аввалроқ қишлоққа кўчиб кетганимизда, Жаннатни бахти боғланмаган бўларди.

Раҳмон: Астағфуруллох! Биз яшаётган бу жаннатга етолмаганлар қанча.

Вақту соати етгач совчиларам келиб қолишар. Бўлди, нонушта ҳозирла. Сенгаям туш айтаманми, онаси.

*Ташқарида ит хурийди. Раҳмон ўрнидан туриб панжара дарвозадан ташқарига чиқади ва шошилинч равишда ортига қайтади.*

Унсин: Ит нега хурияпти, хўжайин?

Раҳмон: Тушим ўнгидан келди. Деворни тагида бир йигит ўтирибди, хотин!

Унсин: (ўрнидан туради) Вой, тавба!

*Иккиси ташқарига чиқиб бироздан сўнг касалхона кийимидаги Азизни бошлаб кирадилар. Дармони қуриган Азиз гандираклайди. жунжикиб қалтирайди. Қўрқа-ниса Раҳмон етагида сурига бориб ўтиради.*

Раҳмон: Кимсан, ҳой бола?

Азиз: (ботинмайгина) Азиз... Ҳа-ҳим.

Раҳмон: Буерга қандай келиб қолдинг?

Азиз: (энсасини қашлаб) Билмайман...

Унсин: Бола бечора очикқанга ўхшайди. Совқотиб қолибди. Баданини тезроқ киздириш керак.

Раҳмон: Тўғри айтасан, онаси.

Унсин: (Азизга) Нон ейсанми, ўғлим?

*Азиз бош силкиб қўяди. Унсин сурига ёзилган дастурхондан бир бурда нон олиб Азизнинг қўлига тутқазади. Азиз уларга орқасини ўгириб нон ея бошлайди. Унсин ичкари хонадан чопон олиб чиқади. Раҳмон эса Азизнинг тепасига келиб қўлини чўзади. Азиз чўчиб икки қўлини юқори кўтариб ўзини тўсади.*

Раҳмон: Қўркма, ўғлим, сени урмайман. Устингдаги кийимингни еч.  
 Ёмғирда ивиб кетибсан. Бу қуруқ чопонни кийиб ол.

*Азиз тижамма ва куйлагини ечиб, Унсиннинг қўлидан чопонни олиб кияди ва яна аввалги алфозда нон ейишда давом этади. Орқа тамонида қараб турган Раҳмон, Унсинни имлайди.*

Унсин: Ҳа, хўжайин?

Раҳмон: Тушимда келган чол айтгандай, курагини ўртасида холи бор экан.

Унсин: Тавба қилдим... Ростданми?

Раҳмон: Буерда бир муъжиза борга ўхшайди.

*Иккиси Азизни кузатиб турадилар. Азиз ёнбошига ағдарилиб ётади ва тинакка кетади.*

Устига бирон нарса ёпиб қўй. Уҳлаб дамани олволгач сўраб-суриштирармиз. Дармондан кетиб қолибди бечора.

Унсин: Мусофирлик шу-да, хўжайин.

### **Зулмат.**

\*\*\*

### **7. Тарбият.**

*Кундузги пайт. Раҳмоннинг ҳовлиси. Унсин ўғирда талқон янчади. От кишинаши ва итнинг акиллаши эштиради. Бироздан сўнг дарвозадан елкасига хуржун осган Азиз киради. Оёғида этик, эғнида Раҳмоннинг костюми. Қўлида қамчи.*

Азиз: (ҳовлиқиб) Ассалому алайкум, Унсин хола!

Унсин: Ва алайкум ассалом. Келдингми, ўғлим. Амакинг қани?

Азиз: Улар ҳозир келдилар. Отларни тушовляптилар.

Унсин: Хўш, яйлов қандай экан? Сенга ёқдими?

Азиз: (хуржунни сурига қўяди) Ёқди! Ҳа-ҳим!

Унсин: Юзингга қон югуриб қолибди.

Азиз: Ух! Мазза қилдим! Қирғизларни кўрасида росса қимиз ичиб, гўштга тўйдик. Мен ҳар куни от миндим. Ҳозир отни югуртириб юра оламан! Ҳа-ҳим! Ўтган кундагидек йиқилиб тушишдан кўркмайман.

Унсин: *(бош чайқаб)* Ўхў-ў! Кучайиб кетибсан-да?

Азиз: *(этигини қамчилаб нари-бери юради)* Бўлмасамчи?! Мен тоғнинг қир учига чиқиб нима деб бақирдим?!

Унсин: Нима деб бақирдинг?

Азиз: *(қичқириб)* “Эхе-е-ей, тоғла-а-а-ар! Мен соғломма-а-а-ан! Мен кучлима-а-а-ан! Мен зўрма-а-а-ан!” деб бақирдим. Хўш, айтингчи, тоғлар менга нима дейишди?

Унсин: *(ишини тўхтатиб сурига ўтиради)* Хўш, тоғлар нима дейишди?

Азиз: Улар менга “Зўрса-а-ан! Зўрса-а-ан!” деб бақиришди. *(Қаҳқаҳ кулади)* Мендан кўрқиб тоғдаги айиқларам, бўриларам бекиниб олишди. Ҳа-ҳим!

Унсин: *(кулади)* Вой, боласи тушмагурей! Уларни беркиниб олишганини қаердан билақолдинг?

Азиз: Биттасиям кўринмади-да. *(Кўл силтаб)* Ҳаммаси қочиб кетибди.

*Этигини қамчилаб, газабланган Раҳмон киради.*

Унсин: Келдингизми, хўжайин?

Раҳмон: Келдим. *(Азизга)* Сен болани қачон ақлинг киради?! Мени қачонгача чўпонлар ичида шарманда қиласан? Нега айтганимни қилмайсан?!

Азиз: *(чўчиб)* Ух! *(Кифтини қисиб)* Қилдимку?

Раҳмон: Қайси айтганимни қилдинг?

Азиз: Тоғни қир учига чиқиб бақирдимку?

Раҳмон: Мен буни айтаётганимни йўқ! Сен нега эшакдан йиқилганингда йиғладинг?

- Азиз: Эшагингиз ёмон йиқитди-да. Ҳа-ҳим! Энди уни минмайман.
- Эшагингиз жинни. Баъзида югуриб кетади. Баъзида юрмай қийнайди. Эшакда ўтиравериб орқам оғриб қолди.
- Раҳмон: Сен эшак билан гаплашгандан кўра, уни қамчинг билан савалашинг керак. Мен сенга айтганман. Эшак сени йиқитса, уни аямай савала. От йиқитса отниям савала.
- Азиз: *(зардали)* Ҳа-ҳим. Саваламайман. Улар мени қарғашади.
- Раҳмон: Унда мен сени ўзингни савалайман!
- У Азизни қувиб қамчи билан кетмакет уч-тўрт бор уради. Азиз ерга ётиб “ух-ух”лаб додлаб йиғлайди. Унсин “ҳай-ҳай”лаб Раҳмонни ушлаб қолади.*
- Унсин: Бўлди урманг, хўжайин. Бу болада нима гуноҳ?
- Раҳмон: *(суриб ташлаб)* Сен аралашма!
- Унсин: *(бориб сурига ўтиради, аччиқланиб)* Тавба! Бир тентакка кўшилиб сизниям эсингиз кетдими нима бало!
- Раҳмон: *(Азизга)* Менга гап қайтар! Қўл қайтар! Бўлмаса яна ураман! Тур ўрнингдан! Йигитмисан?
- Азиз: *(туриб, чираниб)* Йигитман!
- Раҳмон: Мени ўғлиммисан?!
- Азиз: Ҳа-ҳим.
- Раҳмон: Ундай бўлса, сени биров бир мушт урса икки мушт ургин.
- Азиз: Икки мушт урса-чи?
- Раҳмон: Сен тўрт мушт тушир.
- Азиз: Тўрт мушт туширса-чи?
- Раҳмон: Саккиз мушт ур.
- Азиз: Саккиз мушт урса-чи?
- Раҳмон: Вой, ярамас мағиқ! *(Бир қамчи уради)* Бу қилиғингни ташла!
- Азиз: Ух! Хўп! Ҳа-ҳим!
- Раҳмон: “Ҳа-ҳим,” дейшингниям ташла! *(уради)* Қаддингни тик тут! Букчайма! Йиғласанг яна ураман! Қани, мениям ур-чи!
- Азиз: *(қамчи билан секин уради)* Мана...

Раҳмон: (уради) Қаттиқроқ ур! Бўлмаса ўзингни ураман!

Азиз: (қаттиқ уради) Мана! Мана!

Раҳмон: (елкасини уқалаб) Ҳа, тузук. (Сурига ўтиради) Кел, ярашиб олайлик, ўғлим. Хўш, ярашдикми?

*Раҳмон унга қўлини узатади. Азиз эса жимжилогини узатиб унга яқинлашади.*

Азиз: Ярашдик.

Раҳмон: Менга эркакчасига қўл ташла, Азиз!

Азиз: (қўл бериб) Мана.

Раҳмон: (қўлини силтаб) Эртага сен билан шаҳар бозорига борамиз. Энди чиройли кийимлар киясан. Менга ўхшаб мўйлов қўясан.

Азиз: (қўлини тортиб олиб) Қўймайман.

Раҳмон: Нега қўймас экансан?

Азиз: Бурнимни қоқсам ёпишиб қолади.

Раҳмон: Сен ювиб оласан! Айтганимни қил! Бор, энди отларни емлаб қўй.

Азиз: Бўпти. Ҳа-ҳим!

Раҳмон: (бақариб) Бир ойдан бери жаврайман, Азиз! Шунақа букчайиб юрсанг, чол экан деб сенга қизлар тегмайди! Букчаймай юр!

Азиз: (уф тортиб, қаддини ростлаб) Хўп! Мана! Бўлдими?!

Раҳмон: (юмшоқ) Бўлди. Бор, ишингни қилавер, ўғлим.

*Азиз қаддини ростлаб, зарда билан шаҳдам юриб дарвоза орқали чиқади.*

Унсин: Бола бечорани қийнайверманг, хўжайин.

Раҳмон: Яшашни ўрганиши керак. Дунё беаёв, онаси. Бироз қаттиққўл бўлиб олса ўз нонини топиб ейдиган бўлади.

Унсин: Буни уйига жўнатиб юборинг.

Раҳмон: Йўқ, онаси. Бу бола мени болам. Ўғилли бўлишни орзу қилгандим. Уни менга парвардигорнинг ўзи юборди. Тушимда кўринган чолнинг башорати рост чиқди.

Унсин: Қариндошлари қидиришаётгандир ахир?

Раҳмон: Айтишига қараганда ота-онаси ўлиб кетганмиш. Қариндошлари эса уйдан ҳайдашибди. Мен қизимиз Жаннатни Азизга бераман, онаси.

Унсин: Шу чала жиннига-я?

Раҳмон: Азиз жинни эмас. Азиз соддадил, покдил. Қўрада юрганимизда ҳаммага ёқиб қолди. Баъзилар ҳатто Азизга ўрганиб ҳам қолишди. Бу йигит қарганимизда бизни боқади. Мана кўрасан. Қизимиз қишлоқдан қайтгунча Азизни чиройли қилиб кийинтириб қўяман. Уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолади.

Унсин: Битта тушга ишониб, ўзингизча бу тентак болани осмонга чиқариб қўйдингиз. Ақлингизни йиғинг, хўжайин. Бунингиз ўқиш-ёзишнинг билмас экан. Ақли пишмаган, қўлида ҳунари йўқ бир тентак.

Раҳмон: Ўқиш-ёзишни ўрганиб олар. Ҳаёт синовларидан ўтиб ақлиям пишиб қолар. Менам сенга уйланганимда ўқиш-ёзишни билмасдим. Сениям ҳат-саводинг йўқ эди. Куёвинг дили пок инсон бўлса бўлди-да.

Унсин: Биз ўлгандан кейин буларни ким боқади?

Раҳмон: Худо боқади.

Унсин: (қўл силтаб) Э-э-э!

Раҳмон: Худога ишонсанг, онаси, атрофдаги муъжизаларга эътибор қилиб яшашинг керак. Азизни келганига бир ой бўлди. Шу бир ой ичида биз катта мулкка эга бўлдик. Колхоз бекор қилинди. Менга юз элликта қўй беришди. Кўк от билан қорақашқа отни ўзимизда қолдиришди. Бир гектар суғориладиган ер майдонига, катта яйловга эга бўлдим. Бу ризқ авлиёлар тарбият қилаётган

Азизнинг ризқи. Биз ўлгандан кейин бу йигитча мана шу тоғларнинг беги бўлади. Бу йигитнинг суяги бутун, онаси.

**Зулмат.**

\*\*\*

### 8. Жаннат.

*Кундузги пайт. Раҳмоналининг ҳовлиси. Йироқлардан мол мўърагани ва қўй баърагани эшитилади. Дарвоза орқали янги костюм ва туфли кийган, мўйлов қўйган Азиз киради. У жуда мамнун. Ғингиллаб хиргойи қилади. Пиджак ва шимини силаб томоша қилади. Куйлаги енгини қувониб кўздан кечиради. Ҳар турли аҳволга кириб, бир харбийча ва бир олифталардек қадамлаб нари-бери юради. Қувониб қичқиради. Сурига ўтириб туфлисини ечиб томоша қилиб яна қайтадан кияди. Баландроқ хиргойи қилиб, ўрнидан туриб нари-бери юради. Устунга осилган ойнага қараб сочи ва мўйловини силаб, қувониб ўзига оро беради. Хона эшиги орқали Жаннат киради ва тўхталиб Азизни томоша қилади.*

Азиз: (куйлайди) Най-на-на-най! На-а-а-ай! На-на-на-на-на-а-а-ай! На-а-ай! Ҳа, туфлимда-а-ан, костюмимда-а-ан ўзим айнана-а-ай!  
(Жаннатни кўриб таққа тўхтайди, хаяжонланади) Ух! Ҳа-ҳим!  
Ҳа-ҳим! (Уялиб бироз тургач, букчайиб Жаннат тамон юради ва таққа тўхтайди) Ух! Ҳа-ҳим! (Қаддини ростлаб, гоз юриб унга қўл чўзиб, баланд овозда) Салом!

Жаннат: (қўл беради) Салом.

Азиз: Азиз!

Жаннат: (махлиё бўлиб) Жаннат...

*Азиз Жаннатдан узоқлашиб сурига бориб ўтиради. Ундан уялиб, юзини четга буриб, ора-чора унга зимдан қарайди ва юзини буриб, тиззаларини шапатилайди. Орага узоқ сукунат чўкади.*

Азиз: Сиз мактабга борганмисиз?

Жаннат: (хаяжонланиб) Озроқ борганман. Биз тоғда яшаймиз-да.

Азиз: “А”ни биласизми? Ҳа-ҳим! “А”ни?

Жаннат: (тушунолмаб) “А”? Адабиётни айтаяпсизми “А” деб?

Азиз: Ҳа! Ўша “А”!

Жаннат: Биламану... сал озроқ биламанман.

Азиз: (*гердайиб*) Мен бўлсам жуда кўп биламан! Жияним Дилшодни дафтарига тўлдириб ёзиб ташлаганман! Ка-а-атта-катта қилиб ёзиб ташлаганман.

Жаннат: Ҳа-а-а?! Сиз таланти экансиз-да?

Азиз: Ҳа, бўлмасам-чи! Мен ўшнақаман! (*Тўхталиб*) “Б”ни-чи? “Б”ниям биласизми?

Жаннат: (*хаяжонли ва хижолатли*) “Б”? Биология демоқчисиз-да?

Азиз: (*қўл силтаб*) “Б”-да, “Б” борку?

Жаннат: Йўқ, алдашнинг нима хожати бор, биологияни яхши ўқимаганман. Зўрға “З”баҳога жавоб берардим. “Б”ни яхши билмайман.

Азиз: (*ёйилиб кулади*) Сизни қарангу! Мен бўлсам, “Б”ни жияним Дилшодни дафтарига тўлдириб ёзиб ташлаганман! Б! Б! Б! Б! Ха-ха-ха-ха-ха-а-а! Ха-ҳим! (*Жимжилогини кўрсатиб*) Шунчаям бўш жой қолмаган. Ха-ҳим!

Жаннат: (*қойил қолиб*) Сиз зўр билмдон экансиз! Шаҳарликларни ўқишга вақти кўп-да. Қачон шаҳарга қайтиб кетасиз?

Азиз: Қаёққа?

Жаннат: Шаҳарга - уйингизга-да.

Азиз: (*кўрқади*) Йўқ! Ҳа-ҳим! Йўқ! Мен уерга боришдан кўрқаман. Уерда жиннилар одамни уришади, сўкишади, овқатингни олиб еб қўйишади.

Жаннат: Аммо гапингиз тўғри. Шаҳарликларни бир грамм инсофи йўқ экан. Мени бозорда алдаб, ҳамма пулимни олиб арзимаган нарса сотишди. Чайқовчилар! Бундан кейин менам шаҳарга бормайман.

Азиз: (*қизишиб, баланд*) Борманг! Улар-чи, улар чумолиларни уясига қайноқ сув қуйишади! Улар...улар сичқонларга тузоқ қўйиб ўлдиришади! Сичқончалар йиғлашади! Қалдирғочларни уясини бузиб ташлашади! Қалдирғочга уя қуриш осонми?

Жаннат: Жуда қийин!

Азиз: Улар бўлишса, уяларни шартта бузиб ҳовлидаги аҳлат ўрага  
обориб ташлашади. Хўш, улар қўйларни бошига  
нима билан уришади?

Жаннат: Нима билан?

Азиз: *(секин)* Супургининг дастаси билан!

Жаннат: *(ачиниб юрагини чангаллаб)* Вой, золимлар!

Азиз: Улар кўкариб яшнаб турган дарахтларни арралаб жонига озор  
беришади! Мен энди улар билан яшамайман! Ҳеч қачон  
яшамайман!

Жаннат: *(келиб ёнига ўтиради)* Энди қаерда яшамоқчисиз?

Азиз: Мен энди шуерда яшайман. Раҳмон амаким билан қўй боқаман.

Жаннат: *(қувониб)* Шаҳарда яшаганингизда нима иш қилгансиз?

Азиз: Дадамни даволаганман.

Жаннат: Сиз беморларни даволашни биласизми?

Азиз: Биламан. *(Ўрнидан туриб гипноз пассаларини намоиш қилади)*  
Салом!

Жаннат: *(чўчиб)* Вой!

Азиз: *(баланд)* Мен руҳий табиб Ал-азиз Ал-сеҳргарман! Ҳа-хим!  
Менинг сеансларимда ориқлар семиради, семизлар  
озади! Паканалар ўсади, новчалар чўкади! Касаллар  
тузалади, соғлар янаям соғаяди! Ҳа-хим!

Жаннат: *(ҳайрон)* Вой, тавба-а-а!

Азиз: *(пасса ижро этиб)* Ичимдаги бир нарсаларни сизга тўғрилаб  
чиқаряпман! Вужудингиз жимирляпти! Хамма  
ерингиз қимирляпти! Кўзингиз хиралашди! Ўйқингиз келди!  
Уҳлангларр! Ётинглар! Уҳлангларр!

*Жаннат чайқала-чайқала ётиб уҳлашга чоғланади. Азиз сакраб Фолбин  
суратига киради ва чилдирма чалгандек ҳаракатланиб нари-бери юриб  
қичқиради.*

Дака-дум! Дака-дум! Дака-дум! Дака-дака-дум! Дака-дака-дум!

Девлар! Парилар! Лову лашкарлар! Келинлар Отавалини  
тузатинлар! Ўникки имом! Қирқ бир чилтон, ёрдамга  
келинлар! Жинлар, чиқинлар! Тоғу тошларга кетинлар!  
Касалларни тинч қўйинлар! Кетинлар!

*Жаннат ўрнидан туриб кета бошлайди.*

Қаёққа кетяпсиз? Ха-ҳим!

Жаннат: Ўзингиз “кетинлар” деяпсизку?

Азиз: Кетманг. Бу гапни сизга айтмадим. (*Тўхталиб*) Сиз ўйин  
тушишни биласизми?

Жаннат: Ҳаваскорлик тўгарагига озгина қатнашганман.

Азиз: Мактапонингизни олиб чиқиб қўйинг, мен сизга ўйнашни  
ўргатиб қўяман! Ха-ҳим! Мен зўр ўйнайман!

Жаннат: Ўзингиз олиб чиқиб қўйинг. Мени ҳамма ёғим жимирлаб,  
оёғимдан дармоним кетиб қолди.

Азиз: Мен мактапон қўйишни билмайман-да.

Жаннат: Росса камтар экансиз, Азиз ака.

*Жаннат хона эшиги орқали чиқади. Азиз қувониб сакрайди. Жаннат қўлида магнитофон билан киради. Магнитофонни сурига қўйиб, уни ишга солади. Шўх куй янграйди. Азиз куйдан завқланиб қийқириб, кенг доира ясаб айланиб рақс тушади. Жаннатни ўйинга тортади. Жаннат иккиси ҳар усулда ўйнайдилар. Қўл ушлашиб чирпирак бўлиб айланадилар. Қаҳқаҳ куладилар. Дарвозадан Раҳмон ва Унсин кирадилар. Иккиси икки ёшинг ўйинларини кузатадилар. Унсин асабийлашади. Жаннат уларни кўриб қолиб югуриб бориб магнитофонни ўчиради ва сурига ўтириб, хижолат бўлиб бошини эгади. Азиз ҳам сурининг бир четига ўтириб, уялиб юзини буриб ўтиради.*

Раҳмон: (*қаҳқаҳ кулиб, Унсинга*) Кўрдингми, онаси! Қизингни ўзига ром  
килиб бўлибди! (*Жаннатга*) Хўш, қизим, Азиз аканг сенга  
ёқдими?

Жаннат: (*уялиб*) Э, боринг-э, дада...

Раҳмон: Бу йигитни этагидан маҳкам тут қизим. Йигитнинг гулини шаҳарликларга олдириб қўйиб, яна пушаймон бўлиб юрма.

Жаннат: (Азизга қараб) А-а-а?!

Раҳмон: Ха-а-а!

Унсин: (кесатиб, баланд) Да-а-а-ард!!

**Зулмат.**

\*\*\*

### **9. Йиллар ўтиб.**

*Раҳмоналининг ҳовлиси. Ҳовлидаги ҳолат ўзгарган. Дарахтлар ва орқада манзара ўша-ўша. Четан девор ўрнида ҳақиқий девор. Панжара дарвоза ҳам катта дарвозага алмаштирилган. Шийпонча ўрнида катта шийпон қурилган. Хоналар баланд қилиб солинган. Бир четга тортилган арқонга болалар кийимлари ёйилган.*

*Очиқ дарвозадан Одил ва Раҳмон кирадилар. Иккиси сезиларли қариганлар. Раҳмон Одилни шийпонга ўтқзади. Ўзи ҳам ўтиради. Фотиҳа ўқийдилар.*

Одил: Куёвингизни кеча кун мазоратда кўрганымдаёқ таниганман. Ўнбеш йил аввал анхорда чўкиб, дому дараксиз кетганди. Зиёратга келишим бежиз эмас экан, Раҳмон ака. Ўзлари кўринмайдиларми?

Раҳмон: Азизбек қишлоқдан уста чақиртириб келган, ҳозир молхона курдирыпти, тақсир. Молларимизни сони ошди. Фермамизда анчагина ёлланма ишчилар ишлашади. Уларгаям бошпана керак. Молхона ёнига тўрт хонали уй солиняпти. Бу бойликнинг хашами ошамидан кўра қимматроқ тушаркан.

Одил: Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир, деб бежиз айтишмаган экан. Азизбек ота-онасининг дуосини олганди.

Мана, соғу саломат яшаб юрибди. Нега шу кунгача бизга хабар бермадинглар?

Раҳмон: У ҳалиям ўз уйи қаерда эканини бизга аниқ айтиб беролмайди. Ота-онаси билан ака-синглисини исмидан бошқа ҳеч нарса бизга маълум эмас, тақсир.

Одил: Аммо бу гапингизда жон бор, биродар. Уни болалиги тўрт девор ичида ўтган. Ўша кезларда уни кўп нарсаларга ақли етмасди. Илгари Азизбек ўқиш-ёзиш нари турсин, пул санашниям билмасди.

Раҳмон: Ҳозир ўқиш-ёзишниям, пул санашниям қойиллатади. Қизим унга ҳамма билганларини ўргатиб қўйган. Катта фермани ўзи бошқаряпти. Овданам, кўпкариданам қуруқ қайтмайди. От боқишдаку унга тенг келадигани бу атрофда йўқ.

Одил: (ёқа ушлаб) Чинданам Азизбекни ақл-хуши жойидами, Раҳмон ака?

Раҳмон: Бу борада сиз билан менга дарс беради, тақсир. Икки ўғил, икки қизли бўлди. Болаларига боғланиб қолган. Чорвачиликка каттиқ меҳр қўйган. Меҳнат қилиб чарчамайди. Газетага бериб, уни қариндошларини изламоқчи бўлдим. Аммо ўзиям, қизимам буни хоҳлашмади. Иккисини бу атрофда ҳамма танийди. Ўзига яраша обрусси бор. “Элу юртда беобру бўлишни бизга хожати йўқ”, дейишди. Буни энди нима фойдаси бор? Бола-чақасига нусх

ортгани қолади холос. Ақли-хуши бутун қариндошлар ўзларича қидириб келишмагач, Азизбек уларни қидириб нима қилади.

Одил: Аммо бу гапингизда жон бор, биродар.

Раҳмон: Азизбек мени қариганимда топган давлатим. Бундай меҳрибон, хокисор, жонсарақ, очиққўл, очиққўнгил фарзанд ҳеч кимда йўқ. Мени бир жойим оғриси ёки онаси “ух” деса бошимизда тонг отгунча парвона бўлади. Келганингиз яхши бўлди,

таксир. Ўзиям фарзандлариям мени фамилямда.

Паспорти

йўқ. Тўғри, тоғда юрган бир чўпонга паспортни нима кераги бор.

Уни айиқ билан тўнғизга кўрсатармиди. Лекин, Азизбекни отасини номи тикланса, ўз хужжати билан яшаса дейман.

*Орага сукунат чўкади. Оишона тамондан Жаннат кириб, охиста саломлашиб дастурхон ёзиб чиқади. От туёқлари товуши, итнинг хуригани эшитилади.*

Одил: Бу киши Азизбекнинг оиласими?

Раҳмон: Ҳа. Бу мени якка-ю ягона қизим - Жаннат. *(Ташқарига бўйлаб)* Ана, Азизбекни ўзиям келиб қолди.

*Азиз киради. У қалин мўйлов қўйган. Бўй-баста тикланиб анчагина салобатли бўлиб қолган. Юриш-туриши мутлақо ўзгарган. Овози ва ҳаракатлари қўпол. Бошида қишки ияпа. Эгнида чарм плашч. Одил шийпондан тушади.*

Азиз: Ассалому алайкум.

Одил: *(хаяжонли)* Ва алайкум ассалом. Азизбек, омонмисиз?

Азиз: *(танаймади)* Раҳмат. Ўзингиздан сўрасак?

Одил: *(қўл олишиб сўрашади)* Алҳамдулиллох.

Азиз: *(тикилиб)* Сизни қаерда кўрганман, меҳмон?

Одил: Мени танимадингизми?

Азиз: Йўқ. Лекин юзингиз жуда иссиқ кўриняпти.

Одил: Мен отангиз Отавали акани дўсти, қўшнинглар Одил қориман. Энди танидингизми?

Азиз: *(тикилиб, ўйланиб тургач)* Э-э-э! Одил ака! Ўзингизмисиз?!

*Иккиси қучоқлашадилар.*

Одил: Хайрият тирик экансиз, иним!

Азиз: *(қувониб)* Бизникилар соғ-саломат юришибдимиз? Акам... опам... жиянларим...

Одил: Алҳамдулиллох! Алҳамдулиллох! *(Ортга тисралиб, унга назар солиб, кўзига ёш олиб)* Шундай қарчиғай йигит экансизу! Акам раҳматли шу холингизни кўрганларида қанчалик

ййраган бўлардилар. Сиз ҳақингизда фақат бир ўзимга  
ёрилиб ҳасрат қилардилар. Сизни туну кун дуо қилардилар.

Азиз: *(жилмайиб)* Обби сизей, биз тамонларга келиб қолибсиз-да. Сиз  
бемалол ўтиринг. Тўрга чиқинг, Одил ака.

*Одил ўз ўрнига ўтиради. Азиз пойгакка ўтиради. Фотиҳа ўқийдилар.*

Одил: *(ҳайратланиб)* Алҳамдулиллоҳ...

Азиз: *(баланд, четга)* Онаси!

Жаннат: *(овози эштиради)* Лаббай, хўжайин?!

Азиз: Ўғилларингга айт. Отга ўтириб, усталарни овқатини ташлаб  
келишсин! Мени ишим чиқиб қолди!

Жаннат: *(овози эштиради)* Хўп, хўжайин.

Азиз: Айланишиб юрмай тез-да етказиб боришсин! Аммо қулоқларини  
бураб кўяман! Ўйнаб кетишса усталар оч қолишади!

Жаннат: *(овози)* Хўп, ҳавотирланманг, хўжайин!

Азиз: *(Раҳмонга)* Дада, пичокни берворинг. Қора кўзини сўйиб  
келаман.

Раҳмон: *(пичогини узатади)* Яхшиси кўрага бориб бирарта кўчқор олиб  
кел.

Азиз: Хўп. *(Фотиҳа ўқиб туради)* Сизлар бемалол гурунглашиб  
ўтиринглар.

Одил: Қўйни менга сўймоқчимисизлар? Агар шундай бўлса асло  
хожати йўқ.

Азиз: Қўйни сизга сўйганимиз билан ўзимизам қараб турмаймиз, Одил  
ака.

*Азиз ва Раҳмон куладилар.*

Одил: Акангиз билан опангизнинг аҳволлари яхшимас, Азизбек.  
Шуларни бир йўқлаб қўйсангиз яхши бўларди.

Азиз: *(руҳи тушиб, гамга ботади)* А? Аҳволлари жудаям ёмонми...?

Одил: Ҳа, иним. Улардан омад юз ўгирди. Раҳиманинг мазаси йўқ.  
Комилжон ишдан ҳайдалган. Қўл учида тирикчилик қилишяпти.

*Азиз мунгайиб яна ўрнига ўтиради. Омма сукутга толади.*

Раҳмон: Ўғлим?

Азиз: Лаббай, дада?

Раҳмон: Сен уларни кечирганмисан?

Азиз: Улар менга ёмонлик қилишмаган, дада...

Раҳмон: Ундай бўлса ташвишланишга хожат йўқ. Эртага молларингни бозорга олиб бориб сот. Пулини қариндошларингга элтиб бер. Ўзларини тиклаб олишсин. Сенам паспортингни олиб келсан. Уларни дийдорига тўясан.

Азиз: *(яшнаб ўрнидан туради)* Раҳмат, дада.

Раҳмон: Борақол, энди. Отингга миниб кўрадан кўчқор олиб кел. Уни сўйиб эҳсон қилиб юбор. Шояд жигарларингни мушкуллари осон бўлса.

Азиз: Айтганингиз келсин, дада. Одил ака, сизам зерикмай ўтиринг. Мен тез-да қайтаман.

*Азиз қўлини кўксига қўйиб, мамнун аҳволда шаҳдам чиқади. Кексалар сукутга толадилар. Ғойибдан от дупури ва Азизнинг завқланиб қичқиргани эшитилади. Раҳмон ва Одил ўринларидан туриб истиқболга боқадилар.*

Раҳмон: *(кулиб)* Обби сеней! Бу бола эмас - ўту аланга! Қилаётган хунарини кўринг. Ёши қирққа чиқяпти, лекин ҳамон қони қуйилмайди!

*Най навоси янграйди. От дупури тинади.*

Одил: Ақл бовар қилмайди! Сиз бу йигитни қандай қилиб шу даражада ўзгартириб юбордингиз, биродар?

Раҳмон: Буни тарихи жуда узок, тақсир. Азизни топиб олган чағимда, ёши йигирмадан ўтган ақл-хуши эса ўн ёшли боланикидай эди. Унга зехн солиб кузатиб юрдим. Англаб етсам, меҳр беришибди-ю, тарбия беришмабди. Ахир меҳрнинг ортиқчасиям бола учун захар-да. Шундай эмасми, тақсир?

Одил: Ҳақ гапни айтдингиз, биродар. Асалнинг ози шифо, кўпи захар.

Раҳмон: Мен раҳматли қудамни хатосини тўғрилаб, захарга қарши захар топдим.

Одил: Бу нимаси бўлди энди?

Раҳмон: Мен Азизни аямай урдим, аямай ишлатдим. Мажбурлаб отга ўтказдим. Тоғнинг ичига обориб ташлаб адаштириб келдим. Вақти келса сийлаб боқдим. Вақти келганда оч қолдирдим. Унинг кўнгли жуда бўш эди. Уни ғазабланишга, муштлашишга, ўз ҳақини талашишга ўргатдим. Натижада Азизбек мана шундай забардаст йигит бўлиб оёққа туриб олди. Аммо барибир соддадиллигича қолди. Кек сақлашни, муғомбирликни билмайди. Шунинг учун бўлса керак уни ҳамма яхши кўради.

Одил: Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Сиз бир ғариб етимнинг бошини силаб катта савобга эга бўлдингиз, биродар.

Раҳмон: Йўқ, тақсир. Ундай эмас. Мен бу давлатни юборган аллохимга минг бор шукур қиламан. Биласизми, мени умрим тоғу тошлар, молу қўйлар ичида ўтди. Баъзи пайтларда хафталаб, ойлаб инсон зотини кўрмасдим. Бир кишининг суҳбатига зор бўлардим. Инсонга инсон керак экан, тақсир. Бу дунёда инсондан азизи йўқ.

Одил: Ҳақ сўзни айтдингиз, биродар. Ва ла қод каррамна бани Одама! Аллоҳ таоло “Биз инсонни мукаррам қилиб яратдик!” дейди.

**Зулмат.**

\*\*\*

### **10. Авлиё.**

*Отавалининг ҳовлиси. Хоналар хароблашган. Ховли аввалгидан тор, тахта дарвоза ўрнатилган. Сочлари оқарган, кўзойнак таққан Комил, сурида газета ўқиб ўтиради. Унинг ёнида чакка сочлари оқарган Райхон,*

*кўзойнак тақиб куйлак тикиб ўтиради. Иккисининг кийимлари ҳароб, руҳиятлари сўниқ.*

- Комил: Бугун тушимда дадам билан ойимни кўрибман. Укам Азиз, синглим Раҳима... Ҳаммамиз гурунглашиб ўтирибмиз. Ҳовлимиз гуллаб-яшнаб кетганмиш.
- Райхон: Мениям кўрдингизми?
- Комил: Йўқ.
- Райхон: Мени тушингиздаям кўрдингиз келмайдия.
- Комил: Жигарларимни кўпдан бери тушимда кўрмагандим. Азиз...
- Райхон: Қўйинг, Азизни эсламанг, юрагингиз сиқилиб қолади, дадаси.
- Комил: *(газетани йиғиштиради)* Уни ҳалиям ёмон кўрасан, Райхон... У сенга нима ёмонлик қилган..?
- Райхон: *(қўл силтаб)* Э-э! Ўтган гапга салавот, дадаси.
- Комил: *(хўрсинади)* Азиз йўқолгандан кейин мени ишдан ҳайдашди. Қарзга ботдим. Мана бундай қашшоқ аҳволга тушдик. Азиз мендан оғринди, Райхон.
- Райхон: Гап бундамас. Ҳамма айб ўзингизда. Ўзингизам босар-тусарингизни билмай қолдингиз. Бошлиқ бўлдим деб ҳамма билан олишавердингиз. Охири думингизни туғишди.
- Комил: Сен на дуога ишонасан, на қарғишга. Иймонинг йўқ сени,  
Райхон.
- Райхон: *(аччиқли)* Э, мени тергайверманг. Уйга қамалиб олиб ҳамма нарсани сотиб еб битирдингиз. Дилшодни арзимаган маошига кунимиз қолди. Ҳаракатингизни қилиб, сизам кўчага чиқиб иш кидиринг, дадаси.
- Комил: Мен мардикорликка ярамайман...
- Райхон: Боққан ҳайвонларимиз харом ўлди. Боғдаги меваларни сотиб еб тургандик. Дарахтларам қуриди. Ерга эккан экинга шира тушиб уям адо бўлди.

Комил: Бу қарғиш бўлмай нима, хотин? Ота васиятига амал қилмадик.

Мана энди кўрган кунимиз бу бўлди.

*Дарвозадан тугун кўтарган Раҳима киради. Унинг кийимбоши анчагина ҳароб. бошида катта рўмол, сезиларли даражада қариган, хоргин сўзлаб, тез-тез йўталиб, энкайиб юради. Иккиси унга пешвоз чиқиб, кўришадилар.*

Райхон: Келинг, Раҳимахон.

Раҳим: Келдим, янга. Омонмисизлар.

Райхон: Раҳмат, ўргилай.

Раҳима: Ака, тузукмисиз?

Комил: Кел, синглим, кел! Ўлик кўрган тирик кўради деб шунга айтадилар-да.

Раҳима: Сизам туш кўрдингизми? (*Йўталади*) Менам туш кўрдим.

Комил: Бугун дадам билан ойим тушимга киришди, синглим. (*йиғлайди*)

Райхон: Ия! Ана ҳолос. Йиғлаганингизни ҳеч кўрмагандим, дадаси...

Комил: Ўлмасак, бундан баттариниям кўрасан, хотин...

*Учови сўрига ўтирадилар. Пичирлаб фотиҳа ўқишади.*

Раҳима: Мениям тушимда ҳаммамиз эски уйда чой ичиб ўтирган эканмиз. Ҳаммамиз янги кийимлар кийибмиз. Дастурхон тўла нозу неъмат. Ойимлар билан дадамлар бир кулиб, бир сўзлаб ўтиришибди. Азиз қадимги ўйин тушиш хунарини қилиб, ҳаммамизни кулдирармиш. Уйғониб кетиб йиғладим, ака. Сизни кўргим келиб юрагим эзилди. Мазам қочганига қарамай келавердим. (*Йўталади*).

Комил: Менам бугун худди шунақа туш кўрдим, Раҳима...(*кўзёшини артади*)

Раҳима: Арвохларни йўқлаб, чоғроқ бўлсаям бир йиғин қилсакмикин?

Райхон: (*жеркиб*) Акангизнинг битини сотиб йиғин қиламизми, Раҳимахон?

Раҳима: Ҳа-я, янга, нимасини айтасиз. Ҳаммамизни ишимиз орқага кетди. Уйимизда барака йўқ. Мениям бошим касалдан чиқмайди.

Комил: Яна шамолладингми?

Раҳима: Дардим ҳар баҳорда янгиланади. Биласизку...(Йўталади).

*Ташиқарида машинашовқини, машина эшикларининг ётилгани ва сигнал товушлари эшитилади. Дарвоза очилиб, қўлида ва елкасида катта сумкалар билан Азиз киради. Атрофга зехн солиб қарайди. Сурида ўтирган Райхон, Комил ва Раҳима уни танимайдилар. Азиз уларга бирма-бир тикилиб, сумкаларни ерга қўяди. Суридагилар унга боқиб ҳайрон бўладилар.*

Азиз: (қўлини кўксига қўйиб) Ассалому алайкум!

Комил: (хаяжонланиб) Ва але... Азиз?!

Раҳима: (каловланиб) Азиз?!

Райхон: (қўрқиб) Ё алҳазар!

Азиз: (хурсанд) Ҳа? Танимадингларми? Опа! Ака!

Комил: (дудуқланиб) У-у-укажон, тир-тирикмидинг... гиз?

Раҳима: (йўталиб) Тирикмидинг, Азиз?!

Азиз: Ўлик бўлсам келармидим, опа... ( Райхонга яқинлашиб қўл чўзади.)  
Яхшимисиз, янга?

Райхон: (қўрқиб сурининг бошқа бурчига эмаклаб қочади) Вой, ойижо-о-он!

Азиз: (Комилга яқинлашади) Саломатмисиз, ака?

Комил: (ортга тисралиб) Р-р-рахмат.

Азиз: (Раҳимага қучоқ очиб) Опа, кўришамизми?!

*Раҳима ҳам ортга тисралади. Улар мутлақо ўзгариб қайтган Азиз билан кўришишига ботинолмайдилар. Азиз ноқулай аҳволда қолади. Қўлини орқасига қилиб нари-бери юради. Ховлининг аҳволига разм солади.*

Ховлимиз жуда хароб бўлиб кетибди. Таниб ҳам бўлмади...

Мени буерга Одил ака бошлаб келди. Бошингизга тушган кўргуликларни эшитдим.

*Орага сукунат чўкади. Омма Азизга тикилиб, караҳт аҳволда ўтираверади. Уларнинг аҳволини тушунолмаган Азиз, дили хижил бўлиб, афсус ила ялинчоқ овозда сўзлайди.*

Кўп йиллар аввал мен касалхонадан қочиб, сой бўйлаб тоғларга тамон кетдим. Олти кун оч-наҳор сандирақлаб юра-юра, қайнатамни уйига етиб бордим. Уйим жуда олис ерларда қолиб кетган бўлса керак деб ўйлаб юрдим. *(Соатиға қарайди)* Атига икки соат машинада ўтирибман холос.

Сизлардан икки соатлик йўл нарида яшаётганимни билганимда, сизлар бунчалик оғир аҳволга тушмаган бўлардинглар. Мени каллам ишламади- ишламади-да! Мендан ҳафа бўлманглар. Кеча бозорда тўртта молимни сотдим. Рўзғорларингни тиклаб оларсизлар деб, пулини сизларга олиб келдим. *(Чақиради)* Онаси.

*Дарвозадан елкасига иккита сумка осган Жаннат киради.*

Жаннат: Лаббай, хўжайин? *(Оммага)* Ассалому алайкум. Яхшимисизлар?

*Омма ҳамон караҳт.*

Азиз: Танишинглар, бу мени хотиним Жаннат. *(Жаннатга)* Олиб келган пулларингни буларга топшир. Зора шунда мени кечиришса...

Жаннат: Хўп бўлади. *(У сумкасидан икки бўлак қозоғга ўроғлиқ пулларни олиб сурига қўяди)* Бири опаларига, иккинчиси акаларига.

Азиз: *(тўхталиб)* Сизларни шунчалик ҳафа қилганмидим? Нега мен билан кучоқлашиб кўришмаяпсизлар? *(Уларга қучоқ очиб)* Энди сизларга ёрдам бераман, ака, опа. Энди харҳаша қилиб сизларни қийнамайман. Сумкаларни тўлдириб гўшт-ёғ, сузма, қаймоқ, тоғни асалидан олиб келганман. Ҳозир мени анча ақлим кириб қолган. Ишонинглар менга! *(Уф тортиб нари бери юриб, ялиниб)* Гапимга ишонинглар, ака, опа! Энди сизларни ҳечам ҳафа қилмайман!

*Раҳима ва Комил хушлари ўзларига келиб ўринларидан базўр туриб, ялангоёқ аҳволда суридан тушадилар.*

Комил: *(баланд)* Жигарим! *(йиглаб)* Азиз! Укажон! Тирикмисан?! Азиз!

Раҳима: *(йиғлаб)* Азиз! Бормисан, Азиз! Жигаргўшам! Тирикмидинг, ғарибгинам!

*Иккиси икки тамондан Азизни қучоқлаб ўпадилар. Азиз уларнинг қучоғида яйраб, ёшлик чоғларидагидай иргшилаб қаҳқаҳ кулади. Какку сайрашига бошлайди.*

Азиз: Тирикман! Ҳа-ҳим! Тирикман! Ҳа-ҳим! *(Тўхталиб)* Их! Жим!  
Какку сайраяпти! Какку!!

*Омма тинчланиб ҳар турли ҳолатларда қотиб қолади. Бардавом какку сайраши ва марҳум Отавалининг овози аксадо бериб янграйди:*

Ташвишланма, қўзичоғим, сени мана шундай меҳрибонларинг бор.

## ***П а р д а***